
Учкўприк тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига раҳбар тайинланди

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг тегишли буйруғи билан Махсудов Хуршиджон Расулович 2024 йил 26 ноябрдан Учкўприк тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари этиб тайинланди.

Тайинловга қадар Хуршиджон Махсудов Учкўприк тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи сифатида фаолият олиб борган.

Бугун Учкўприк тумани ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғилишида Хуршиджон Махсудов Учкўприк тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари сифатида жамоатчиликка таништирилди.

2024-12-12 14:09:22